

# **Ошуро суннат издошлари ва шиалар тасаввурида**

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبکي ]

*Шайх Абдуллоҳ ибн Мухаммад Басрий*

**Таржимон:** Абу Жаъфар ал-Бухорий

**Нашрга тайёрловчи:** Абу Абдуллоҳ Шоший

2013 - 1434

**IslamHouse**.com

# عاشوراء بين اتباع السنة و هووس الرافضة

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ عبدالله بن محمد البصري

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

## **Биринчи хутба**

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳим*

(Барча ҳамдлар Оллоҳга хосдир... Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амалларимиз- нинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган одамни адаштирувчи, адаштирган одамни ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман.

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا أَتَقُولُ اللَّهُ حَقٌّ تُقَاتِلُهِ وَلَا تَمُوتُنَ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ ﴾<sup>۱۰۲</sup>

**«Хой мўминлар, Оллоҳдан лойик бўлганидек қўрқинглар ва мусулмон бўлган ҳолингизда вафот этинглар!»** (Оли Имрон: 102).

﴿ يَأَيُّهَا النَّاسُ أَتَقْوُا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُم مِّنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا كَثِيرًا وَنِسَاءً وَأَنْقُوا اللَّهُ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ وَالْأَرْحَامَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴾ ﴿١﴾

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан күп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Оллоҳдан қўрқингиз ва қариндошуруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Оллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

﴿ يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِيمَنُوا أَتَقُوا اللَّهَ وَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا ﴿٧٦﴾ يُصْلِحُ لَكُمْ أَعْمَالَكُمْ وَيَغْفِرُ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا ﴿٧٧﴾

«Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Оллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилар. Ким Оллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ бахтга эришибди» (Ахъзоб: 70 – 71).

Дўстлар, билингларки, гапларнинг тўғрироғи – Оллоҳнинг каломи, йўлларнинг яхшироғи – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ишларнинг ёмонроғи – (дин ниқоби остида) янги пайдо бўлганлари, (дин ниқоби остида) пайдо бўлган барча нарса – бидъат ва барча бидъат – залолатдир).

Сўнг ...

Оллоҳдан тақво қилингиз ва Унга итоат этингиз!  
Оллоҳнинг буйруқ ва таъқиқларига риоя этиб, Унга осийлик қилмангиз!

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَتَقْوِا اللَّهَ وَكُونُوا مَعَ الصَّادِقِينَ ﴾

**«Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва иймонларида ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз!»** (Тавба: 119).

Хой мусулмонлар, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Маккадан Мадинага қилган ҳижрати, исломий даъватнинг бошланиши, Исломнинг ғалабаси ва ёйилишини эслатадиган Оллоҳ таолонинг ушбу қутлуғ муҳаррам ойида бошқа катта ғалабини ҳам хотирлаймиз.

Бундан ташқари, Оллоҳ таоло яратган кунларнинг бирида вужудга келган катта ғалабани ҳам хотирлаймиз. У ғалаба Оллоҳ таоло Калимуллоҳ Мусо алайҳиссаломга ато этган ҳамда мутакаббир душман ва золимлар боши Фиръавнни ёрдамсиз ташлаб қўйиши эди. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиласи: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида яхудийларнинг Ошуро куни рўза тутаётгандарига гувоҳ бўлдилар ва уларга: «*Сизлар рўза тутаётган ушбу кун қандай кун?!*» – деб савол бердилар. Улар: Бу – Оллоҳ таоло Мусо ва қавмини қутқарган, Фиръавн ва қавмини ғарқ қилган кундир. Мусо бу рўзани (Оллоҳга) шукр ўлароқ тутган эди. Шунинг учун биз ҳам бу куни рўза тутамиз, – деб жавоб бердилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Биз Мусога сизлардан кўра (эрғашишига) лойикроқмиз!*» – дедилар ва ўзлари рўза тутиб, ошуро куни рўза тутишга буюрдилар» (Имом Муслим 2714).

Ушбу ҳодиса ва ҳадисда айрим нуқта ва фойдалар бўлиб, ҳозирги кунда Уммат бошидан кечираётган ожизлик, хорлик ва тарқоқлик ҳамда Ислом душманлари очкўз ўз косасидаги овқатларни ейиш

учун ташланганидек амалга ошираётган қотиллик, қатл, қувғинлик ва парчалашни ҳам эсдан чиқармаслик керак.

**Биринчи нұқта:** Ботилнинг кўпик ва сароблари нақадар юксалмасин, қудрат тарозиси оғир босмасин, ишлар унинг манфаати учун юраётгандек кўринмасин, барибир, у шишган бўлсада ўта кучсиз бўлиб, ботил тарафдорлари нақадар зўравон ва кучлидек кўринсаларда ўта заиф инсонлардир. Масалан, Фиръавн ўзи яшаган тарихда энг мустабид қирол бўлган ва қуидаги гапларни айтган эди:

﴿فَقَالَ أَنَا رَبُّكُمْ أَلَا أَعْلَمْ﴾

«Мен сизларнинг энг устун Парвардигорингиз- дирман» (Назиъат: 24);

﴿مَا عَلِمْتُ لَكُم مِّنْ إِلَهٍ غَيْرِي﴾

«Эй одамлар, мен сизлар учун ўзимдан бошқа бирон илоҳ борлигини билган эмасман» (Қасос: 38);

﴿قَالَ يَقُومُ أَلْيَسَ لِي مُلْكُ مِصْرَ وَهَذِهِ الْأَنْهَرُ تَجْرِي مِنْ تَحْتِي﴾

«Эй қавмим, Миср подшохлиги ва мана бу остидан оқиб турган дарёлар менинг (мулким) эмасми?!» (Зухруф: 51);

﴿أَمْ أَنَا خَيْرٌ مِّنْ هَذَا الَّذِي هُوَ مَهِينٌ وَلَا يَكُادُ يُبَيِّنُ﴾

«Балки мен мана бу хор бўлган ва (ўз мақсадини) очиқ баён қила олмайдиган кимсадан (яъни Мусодан) яхшироқдирман?!» (Зухруф: 52).

Фиръавн Бану Истроил ичида туғилган ўғил болаларни қатл этиб, уларнинг наслини тугатишни режа қилган эди. Аммо Мусо алайҳиссалом Фиръавннинг хонадонида унинг тарбияси ва молу мулкидан фойдаланиб вояга етди. У Фиръавннинг олдида юрар, ҳатто ундан кўра Фиръавнга яқинроқ бирон кимса йўқ эди. Чунки Оллоҳ таоло Фиръавннинг кўнглига Мусога бўлган севги ва меҳрни солган эди. Шундай бўлсада, Фиръавн Мусо алайҳиссаломга мутлақ хукмрон бўла олмади. Ушбу мустабиднинг ҳалокати Мусо алайҳиссалом сабабли ва унинг қўлида содир бўлди. Чунки у, Фиръавнни

Оллоҳ таолонинг йўлига чорлади ва Фиръавн уни рад этиб Оллоҳ таолога осий бўлди. Оллоҳ таоло Фиръавн ва унинг қўшинлари ҳақида шундай деди:

﴿وَاسْتَكْبَرُ هُوَ وَجْنُودُهُ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَظَلَّمُوا أَنَّهُمْ إِلَيْنَا لَا يُرْجَعُونَ ﴾ ٢١  
﴿فَأَخَذْنَاهُ وَجْنُودَهُ فَنَبَدَّلْنَاهُمْ فِي الْيَمِّ فَانْظُرْ كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الظَّالِمِينَ ﴾ ٢٢

«У (Фиръавн) ҳам, унинг лашкарлари ҳам (иймон келтирмасликлари билан) ер юзида ноҳақ қибру-ҳаво қилдилар ва ўзларини Бизга қайтарилмайдилар, деб гумон қилдилар. Бас Биз уни ва лашкарларини ушладик-да, денгизга ташладик. Энди сиз у золим кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини қўринг» (Қасос: 39, 40);

﴿فَأَخَذَهُ اللَّهُ نَكَالَ الْآخِرَةِ وَالْأُولَىٰ ﴾ ٤٣ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعِبْرَةً لِمَن يَخْشَىٰ

«Оллоҳ уни ҳам охират, ҳам дунё азоби билан ушлади (яъни дунёда у денгизга ғарқ қилиб юборилди), охиратда эса дўзах азобига дучор бўлур. Албатта бу (қисса)да (Оллоҳдан) қўрқадиган кишилар учун ибрат бордир.

Изоҳ. Юқоридаги оятларда Мусо алайҳис-салом қилган даъватни қабул қилмасдан, унга қарши фитна-фасод тарқатиб юргани сабабли дунё ва охират азобига гирифтор қилинган Фиръавн қиссаси зикр қилингач, бу қиссадан фақат Оллоҳдан қўрқадиган кишиларгина ибрат ва панд-насиҳат олишлари таъкидланди. Бинобарин, Яратгандан қўрқмайдиган эътиқодсиз кимсаларга ҳеч қандай мўъжиза ёки ваъз-насиҳат кор қилмаслиги аниқдир» (Нозиъат: 25, 26).

Оллоҳ таоло Фиръавн ва унинг қўшинларини ҳалокатга учратганидек, ҳозирги даврдаги куфру туғён ўлкаларидан тортиб то уларнинг атрофида парвонадек айланиб, уларнинг куфру туғёнларига ёрдамчи бўлаётган ҳамда Ер юзида бузғунчиликларни ёйиб, Оллоҳнинг йўлига қилинган чақириқларга рад жавобини бериб, Исломга қарши кураш бошлаган, мусулмонларни қувғин қилган буқаламун фиръавнчалардан ҳам тез кунда интиқомини олади. Чунки Оллоҳ таоло Оллоҳга ёрдам берганларгагина ёрдам беради. Дарҳақиқат, У кучли ва азиз Зотдир. Лекин бу жараён оз ёки кўп вақт ўтганидан кейингина содир бўлади:

﴿ حَتَّىٰ إِذَا أَسْتَيْخَسَ الرَّسُولُ وَظَلُّوْا أَنَّهُمْ قَدْ كُذِبُوا جَاءَهُمْ نَصْرٌ نَّعْلَمُ مَنْ نَّشَأْ ۝  
 وَلَا يُرَدُّ بِأُسْتَادًا عَنِ الْقَوْمِ الْمُجْرِمِينَ ﴾ ۱۵

«Хар қачон ўша пайғамбарларимиз ноумид бўлиб: «Бизлар ёлғончи қилиндиқ — пайғамбар эканлигимизга ишонмадилар», деб ўйлай бошлаганларида, уларга Бизнинг мададимиз — ғалабамиз келиб, Биз хоҳлаган кишиларга нажот берилар эди. (Аммо) жиноятчи бўлган қавмдан бизнинг азобимиз қайтарилемас!» (Юсуф: 110).

**Иккинчи нуқта:** Қутланиши мумкин бўлган энг буюк айём Ислом санжоғи кўтарилиб, эътиқод байроғи ҳилпираган кундир. У кун – Ҳақиқат зафар кучган, ботил эса мажақланган кун бўлиб, мўминлар Оллоҳнинг мадади билан қувонадилар. Оллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿غُلِبَتِ الرُّومُ ﴿١﴾ فِي أَذْنَى الْأَرْضِ وَهُمْ مِنْ بَعْدِ غَلَبِهِمْ سَيَغْلِبُونَ ﴿٢﴾ فِي بِضَعْ  
سِينِينَ لِلَّهِ الْأَكْبَرُ مِنْ قَبْلٍ وَمِنْ بَعْدٍ وَيَوْمَئِذٍ يَقْرَخُ الْمُؤْمِنُونَ ﴿٣﴾ يَنْصُرُ  
مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ ﴿٤﴾﴾

«Жуда яқин жойда Рум мағлуб бўлди. (Лекин) улар (яъни румликлар) бу мағлубиятларидан сўнг бир неча йил ичида албатта ғалаба қиласхаклар. Аввалу-охир барча иш Оллоҳнинг (измида)дир. Ўша кунда мўминлар Оллоҳ (румликларни) ғолиб қилгани сабабли шодланурлар. (Оллоҳ) Ўзи хоҳлаган кишини ғолиб қилур. У қудрат ва раҳм-шафқат эгасидир.

Изоҳ . Рум мамлакати арабларга яқин бўлиб, румликлар насроний динига мансуб, форслар эса мажусий эдилар. Шунинг учун ҳам форслар ғолиб бўлгани ҳақидаги хабар Маккага етиб келганида, Макка мушриклари қувонишиб мўмин-мусулмонларга «Сенлар Куръонга ишонгандарийиг каби румликлар Инжилга ишонишади, форслар эса худди бизларга ўхшаб ҳеч қандай илоҳий китобга иймон келтиришмаган. Мана бугун форслар румликларни енгишганидек, яқинда бизлар ҳам сенларни енгамиз»,

дер эдилар. Шунда юқоридаги оятлар нозил бўлиб, мўминларга таскини дил баҳш этди» (Рум: 2 – 5).

**Учинчи нуқта:** Неъматлари янгилангач банданинг шукроналар айтиши, Оллоҳ таолонинг бандаси устидаги ҳаққидир. Энг афзал шукр эса дилдан эътироф, тилдан талаффуз ва аъзолар билан амал қилишдагина бўлади. Оллоҳ таоло учун берган нажоти ва душманини ҳалок қилгани учун Мусо алайҳиссалом шукrona ўлароқ ошуро куни рўза тутди. Ундан кейин эса бу шукронанинг давоми ўлароқ Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва ўз пайғамбарига издош бўлиб ва ажру савоблар умидида ҳар макон ва замонда яшаган мусулмонлар ушбу куннинг рўзасини тутишди ва тутишмоқда.

Бирон киши: Ислом тарихида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эришган кўплаб зафар ва ғалаба кунлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туғилган, ҳижрат қилган, Исро ва Меъроҷ ва бошқа кунлари ҳам бор. Нега бу кунларда рўза тутмаймиз? Нега рўза тутиш одатини жорий қилмаймиз? Ахир шундай қисқа Оллоҳ таолога шукр қилган бўлмаймизми?, – деб савол бериб қолиши мумкин. Уларга шундай жавоб берилади: Диннинг биноси кўзга яхши кўриниш ёки ёқтириб қолиш ёки

дин никоби остида янгиликларни ўйлаб топиш ва ҳаётга жорий қилишга эмас, Расуулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш, бўйинсуниш ва Ундан ўрнак олиш пойдеворига қурилган:

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لَّئِنْ كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا ﴾<sup>⑥</sup>

«(Эй мўминлар), сизлар учун — Оллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Оллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Оллоҳнинг пайғамбари (иймон-эътиқоди ва хулқи атвori)да гўзал ибрат бордир» (Аҳзоб: 21).

Биз ошуро куни рўза тутар эканмиз, уни ўзимизга яхши кўрингани учун эмас, бильякс Расуулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва У зот жорий қилган шариатга ҳамда суннатга эргашганимиз учун тутамиз. Чунки Расуулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бизнинг ишишимиз бўлмаган амални қилган одамнинг бу амали (*тарафимиздан қабул қилинмай*) ўзига қайтарилгандир», – деганлар (Имом Муслим: 4590; Имом Аҳмад: 25171).

**Тўртинчи нуқта:** шу ерда Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «*Биз Мусоға сизлардан кўра (эргашишга) лойиқроқмиз*», – деб айтган сўзлари олдида бир оз тўхтамиз. Бу ҳадисда Оллоҳга бўлган иймон ришталари дунёдаги ҳар қандай риштадан кучли, Исломга нисбатланиш энг буюк нарсалардан бири эканини кўрмоқдамиз. Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Унинг уммати ўзларининг динлари ва иймондаги устиворликлари билан Мусо алайхиссаломга унинг шариатини бузиб, йўлидан оғган яхудийлардан кўра яқинроқдир. Ҳатто Ислом уммати барча пайғамбарга уни рад этган ва осийлик қилган умматидан кўра ҳақдордир. Чунки барча пайғамбарларнинг дини ягона бўлиб, уларнинг ҳар бири тавҳид ва Оллоҳ таолонинг ўзигагина ибодат қилишни олиб келишган. Оллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

﴿إِنَّ هَذِهِ أُمَّةٌ مُّكَفَّرٌ بِمُّلْكِنَا وَأَنَا رَبُّكُمْ فَاعْبُدُونِ﴾

«(Эй инсонлар), **сизларнинг миллатингиздинингиз ҳақиқатда бир диндир** (яъни Исломдир). **Мен эса** (барчаларингизнинг) **Парвардигорингиздирман. Бас, Менгагина ибодат қилинглар!**» (Анбиё: 92);

﴿إِنَّمَا أَنْزَلَ إِلَيْهِ مِنَ رَّبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلُّهُمْ أَمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَكِتِكَتِهِ  
وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْ رُسُلِهِ﴾

«Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилингандар нарсага иймон келтириди ва мўминлар (ҳам иймон келтирдилар). Оллоҳга, фаришталариға, китоблариға ва пайғамбарлариға иймон келтирган ҳар бир киши (айтди): «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз» (Бакара: 285);

﴿إِنَّ أَوَّلَ النَّاسِ يَأْبَاهِيمَ لِلَّذِينَ أَتَبَعُوهُ وَهَذَا الَّتِي  
وَلِلَّذِينَ ءامَنُوا وَاللَّهُ وَلِئِنْ  
الْمُؤْمِنِينَ ﴾۱۸﴾

«Одамларнинг Иброҳимга яқинроғи унинг йўлига эргашган зотлар, мана бу пайғамбар (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам алайҳис-салом) ва иймон келтирган кишилардир. Оллоҳ мўминларнинг дўстидир» (Оли Имрон: 68).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса: «Мен дунё ва охиратда одамлар ичида Ийсо ибн Марямга ўта яқинман. Мен билан унинг ўртасида

бирон пайғамбар ўтмаган. Пайғамбарлар кундошларнинг фарзандлари дидир: оналари бошқа бўлсада, динлари биттадир», – дедилар (Имом Бухорий: 3442).

Нуҳ алайҳиссалом ўғли қавми билан бирга тўфонда ҳалок бўлгач Роббисига шундай дуо қилди:

﴿ وَنَادَى نُوحٌ رَّبَّهُ فَقَالَ رَبِّ إِنَّ أُبْنِي مِنْ أَهْلِي وَإِنَّ وَعْدَكَ الْحُقْقُ وَأَنْتَ أَحْكَمُ الْحَكَمِينَ ﴾ ﴿ قَالَ يَنْوُحُ إِنَّهُ لَيْسَ مِنْ أَهْلِكَ إِنَّهُ عَمَلٌ غَيْرُ صَالِحٍ فَلَا تَسْئِلْنِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ أَعْظَمَكَ أَنْ تَكُونَ مِنَ الْجَاهِلِينَ ﴾ ﴿ ﴾

«Нуҳ Парвардигорига нидо қилиб, деди: «Парвардигорим, албатта, ўғлим менинг аҳли оиласдандир ва шубҳасиз, Сенинг (аҳли оиласманга нажот бериш хусусидаги) ваъданг ҳақ ваъдадир. Сен энг адолатли ҳукм қилгувчисан». (Оллоҳ) айтди: «Эй Нуҳ, у сенинг аҳлингдан эмас! Албатта у(нинг қилган амали — куфр йўлини тутгани) ёмон амалдир. Бас, ўзинг яхши билмаган нарса ҳақида асло Мендан сўрамагин! Албатта, Мен сенга жоҳил-нодонлардан бўлмасликни буюраман» (Худ: 45, 46).

Ҳой мусулмонлар, ошуро куни буюк ва қутлуғ айёмлардан бири бўлиб, у куни рўза тутиш солиҳ амал ҳамда памғамбарона суннатдир. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳуга ошуро рўзаси ҳақида савол берилганида: *Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шу куни рўза тутиб унинг фазилатини бошиқа кунлар учун талаб қилганларини билмайман, – деб жавоб берди.* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари ҳам ошуро кунининг рўзаси бир йиллик гуноҳларга каффорот бўлишини қўйидаги ҳадислари билан таъкидладилар: «*Ошуро рўзасининг ўзидан олдинги бир йиллик гуноҳларга каффорот бўлишини умид қиласман!*» (Имом Муслим: 2803; Абу Довуд: 2427; Термизий: 752).

Ҳой мусулмонлар, Ислом китоб аҳлларига мухолиф ўлароқ келгани учун ошуро кунидан бир кун илгари ёки бир кун кейин рўза тутиш суннатдир. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтди:

*«Ошуро рўзасини тутиб асҳобларини ҳам тутишига буюрганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: Ё Расулуллоҳ, бу кунни яҳудий ва насронийлар ҳам улуғлашади!, – дейилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Келгуси*

йили, инишаттап, түккизинчи куни ҳам рўза тутамиз», – дедилар. Келгуси муҳаррам ойигача Расулulloҳ соллаллоҳу алаихи ва саллам оламдан ўтдилар» (Имом Муслим 2722);

«Расулulloҳ соллаллоҳу алаихи ва саллам: «Ошуро куни рўза тутинглар! Яхудий ва насронийларга хилоф иш қилинглар: ошуродан олдин ва кейин бир кундан рўза тутинглар!» – дедилар» (Имом Аҳмад 2154).

Бас, пайғамбарингиздан ўрнак олингиз ва ошуро куни рўза тутингиз! Ошуро шу душанба кунига тўғри келмоқда. Муҳаррамнинг тўққизинчи ва ўн биринчи (якшанба ва сешанба) кунларидан бирини қўшиб ёки уларнинг ҳар иккисини қўшиб рўза тутиб, яхудий ва насронийларга хилоф иш қилингиз.

﴿إِنَّ الَّذِينَ عَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ إِنَّا لَا نُضِيِّعُ أَجْرَ مَنْ أَحْسَنَ عَمَلاً﴾

«Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар эса, шак-шубҳасиз - Биз (улар каби) чиройли амаллар қилган кишиларнинг ажр-мукофотини зое қилмасмиз» (Кахф: 30).

Аузу биллаҳи минаш шайтонир рожийм

﴿وَأَوْحَيْنَا إِلَى مُوسَى أَنَّ أَسْرِيَبِعَادِي إِنَّكُمْ مُتَّبِعُونَ ﴿٥٤﴾ فَأَرْسَلَ فِرْعَوْنَ فِي الْمَدَائِنِ حَشِيرِينَ ﴿٥٥﴾ إِنَّ هَنُولَاءِ لَشَرِذَمَةٌ قَلِيلُونَ ﴿٥٦﴾ وَإِنَّهُمْ لَنَا لَغَاءِطُونَ ﴿٥٧﴾ وَإِنَّا لِجَمِيعِ حَذِيرَوْنَ ﴿٥٨﴾ فَأَخْرَجَنَّهُمْ مِنْ جَنَّتِ وَعِيُونِ ﴿٥٩﴾ وَكُنُوزٍ وَمَقَامٍ كَرِيمٍ ﴿٦٠﴾ كَذَلِكَ وَأَوْرَثْنَاهَا بَنِي إِسْرَاعِيلَ ﴿٦١﴾ فَاتَّبَعُوهُمْ مُشْرِقِينَ ﴿٦٢﴾ فَلَمَّا تَرَءَ أَلْجَمْعَانَ قَالَ أَصْحَابُ مُوسَى إِنَا لَمُدْرَكُونَ ﴿٦٣﴾ قَالَ كَلَّا إِنَّ مَعِي رَبِّي سَيِّدِنِينَ ﴿٦٤﴾ فَأَوْحَيْنَا إِلَى مُوسَى أَنِ اضْرِبْ بِعَصَاكَ الْبَحْرَ فَانْفَلَقَ فَكَانَ كُلُّ فِرْقٍ كَالظُّودُ الْعَظِيمُ ﴿٦٥﴾ وَأَرْفَنَّا ثَمَّ الْأَخْرِينَ ﴿٦٦﴾ وَأَنْجَيْنَا مُوسَى وَمَنْ مَعَهُ وَأَجْمَعِينَ ﴿٦٧﴾ ثُمَّ أَغْرَقْنَا الْأَخْرِينَ ﴿٦٨﴾ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٦٩﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ الْعَزِيزُ الْرَّحِيمُ ﴿٧٠﴾



«Биз Мусога: «Бандаларим (яъни Бани Исройил кавми) билан тунда йўлга чиққин! Албатта сизларнинг изингизга тушилур яъни Фиръавн ва унинг қўшини ортингиздан қувиб етур» деб ваҳий юбордик. Бас (Мусо ва унинг қавми йўлга тушганларидан хабар топгач), Фиръавн барча шаҳарларга (аскар) йиғувчиларни жўнатди (ва деди): «Аниқки улар бир ҳовуч ялангоёқлардир.

**Дарҳақиқат улар** (кўл остилиздан чиқиб кетишлари билан) **бизларни ғазаблантирилар.** Шубҳасиз бизлар эҳтиёт чораларини кўриб тургувчи қавмдирмиз». Бас мана шундай қилиб Биз уларни (яъни Фиръавн ва унга эргашганларни) **боғлар ва булоқлардан, хазиналар ва улуғ-тўзал маскандан айирдик ва уларни**(нг барчасига) **Бани Исроилни ворис қилдик.** Бас (Фиръавн) тонг пайтида уларни қувиб етди. Энди қачонки икки жамоат бир-бирларини кўришгач, Мусонинг ҳамроҳлари: «**Бизлар аниқ тутилдик,** (чунки олдимизда ҳеч қандай йўл йўқ, фақат денгиз бор) **дедилар.** (Мусо) айтди: «**Йўқ, аниқки мен билан бирга Парвардигорим бор.** Албатта у мени (нажот) **йўлига бошлар**». Бас, **Биз Мусога:** (Асоинг билан) **денгизни ургин», деб ваҳий юбордик.** Бас (денгиз) **бўлинниб, ҳар бир бўлак** (сув) **баланд тоғ** **каби бўлди.** (Сўнг Мусо ва унинг қавми денгиз ўртасидан очилган йўлга тушдилар). **Ва кейингиларни** (яъни Фиръавн ва унинг қўшинини ҳам) **ўша** (йўлга) **яқин қилдик.** **Ва Мусо ҳамда у билан бирга бўлган кишиларнинг барчаларига** **нажот бердик.** Сўнгра **кейингиларни** (денгизга) **ғарқ қилиб юбордик.** **Албатта бунда** (Фиръавн ва унинг қавми ҳалокатида)

**оят-ибрат бордир.** (Лекин одамларнинг) кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз Парвардигорингизнинг Ўзи (кофирлар устидан) ғолиб, (мўминларга) меҳрибондир» (Шуъаро: 52 – 68).

## **Иккинчи хутба**

Сўнг ...

Оллоҳ таолодан лойиқ бўлганидек кўрқинглар ва Исломни маҳкам ушланглар. Чунки ким Оллоҳдан тақво қилса, Оллоҳ унга чиқиш йўлини кўрсатиб беради.

Хой мусулмонлар, зикр, шукр ва ибодат они ҳисобланган ошуро куни, Ислом умматининг мажусийлари ҳисобланган рофизалар ҳаётида турли хурофот, залолат ва чўпчаклар билан уйғуналашиб кетди. Улар ошур кунида турли бидъат, гуноҳ ва хаёл нарсаларни қилмоқдалар ва Оллоҳ биронта хужжат нозил қилмаган ишлар билан шуғулланмоқдалар. Сиз уларнинг юзларини уришаётгани, бақириб чақиришаётгани, бошларини пастга эгиб, юқорига кўтаришаётгани, ўкиришаётгандарни ва хўнгроқларини кўтаришаётгани, таналарига азоб беришаётгани, кўз ёшлари ва қонларини оқизишаётгани, эркагу аёл аралашаётгани, гоҳида авратлар очилиб ҳаёсизликлар қилинаётгани ва буларнинг барчасини Ҳусайн разияллоҳу анхунинг ўлимига бўлган аза ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадон аҳлига бўлган муҳаббат дея

иддао қилинаётганини кўрасиз. Аслида улар қилаётган ишлари билан одамларнинг энг адашгани ва даъвосида ёлғончилариdir.

Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ шундай дейди: «У (рофиза)ларнинг гумроҳлиги- дан бири узоқ замонлар аввал қатл қилинган одамга мотам ва гўяндаликни амалга оширишлариdir. Маълумки, ўлдирилган ёки ўлдирилмаган маййитларга ўлимларидан кейин бундай ишларни қилиш Оллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаром қилган нарсалардандир. «Саҳиҳ» ҳадислар девонида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «*(Мусибат пайтида) юзларига урган, ёқаларни йиртган ва жоҳилият чақириқларини қилган одам биздан эмас!*» – деганлари нақл қилинган (Имом Бухорий: 1294). Анави рофизийлар узоқ замон илгари қатл қилинган маййит учун юзларига урмоқдалар, ёқаларини йиртмоқдалар, жоҳилият даъвоси ва бошқа гуноҳларни қилмоқдалар. Агар улар бу ишларини унинг қатл қилингани замон қилсалар эди, Оллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаром қилган катта гуноҳларни қилган ҳисобланишса, шунча вақт

ўтганидан кейин бу ишларни қилишса нима дейиш мумкин?!

Маълумки, Ҳусайн разияллоҳу анҳудан кўра афзал бўлган кўплаб пайғамбарлар ва пайғамбар бўлмаганлар зулман ўлдирилдилар. Ҳусайн разияллоҳу анҳудан кўра афзал бўлган унинг отаси Алий разияллоҳу анҳу ҳам ўлдирилди. Усмон разияллоҳу анҳуни қатл этилиши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотидан сўнгра пайдо бўлган катта фитнанинг бошланғич нуқтаси бўлди. Унинг ортидан Ҳусайн разияллоҳу анҳунинг ўлимидан кейингиларга қараганда катта ва даҳшатли ҳодисалар рўй берди. Ундан бошқа мусулмонлар ҳам ўлдилар. Бироқ биронта мусулмон ёки бошқа диндаги инсонлар ўлган ёки ўлдирилган маййитлари учун гумроҳро физийлар каби мотам ва гўяндалик қилмадилар» («Минхажус суннатин набавифях» 1/23).

Ушбуро физиалар Ҳусайн разияллоҳу анҳу ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хонадонига бўлган муҳаббатларини иддао этадилар. Аслида эса улар, Оллоҳ номига онт ичиб айтаманки, саҳобаларни ичларидан ёмон кўрадилар, уларнинг шахсиятлари ва мартабаларини камситадилар, фазилатларини оёқ ости қиладилар, уларнинг кўпини кофирга

чиқарадилар! Саҳобаларнинг сардорлари Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анхумоларни лаънатлай- дилар, энг покдомон саҳобия – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам муҳтарама рафиқалари ва Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анхунинг суюкли қизи Оиша разияллоҳу анҳони зино қилишда айблайдилар!!

Улар ҳар замон ва маконда аҳли суннат ва жамоатнинг ашаддий душманлари бўлишган. Уларнинг аҳли суннатга бўлган адоватлари яхудий ва насронийларнинг мусулмонларга бўлган адоватидан кам эмас. Уларнинг аҳли суннат ва жамоатга нисбатан қилган айбли ишлари ва уларни ёрдамсиз ташлаб қўйиш ҳақидаги режалари бутун башариятга аёндир. Қачон яхудий ва насронийлар давлат таъсис этсалар, рофизийлар аҳли суннат ва жамоатга қарши улар билан бир сафда турган. Ҳозирги кунда Ироқда бўлаётган ҳодисалар сўзимизнинг яққол далилидир.

Умматнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейинги энг яхши инсонлари бўлган саҳобаларни коғирга чиқарган тоифалардан нимани ҳам кутиш мумкин?!

Оишаи Сиддиқа разияллоҳу анҳони зино қилишда айبلاغан тухматчилардан, Абу Бакр ва Умар

разияллоху анхумоларни лаънатлаб, ҳақорат қилган кимсалардан бундан бошқа нимани ҳам кутиш мумкин?! Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга унинг энг суюкли рафиқаси билан озор беришиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хонадонини севишларини иддао этишмоқда. Унутманглар, улар Оллоҳ таолонинг ушбу оятининг маъноларига ўта монанд кимсалардир:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يُؤْذُونَ أَلَّهُ وَرَسُولُهُ وَعَنْهُمُ أَلَّهُ فِي الْأُنْتِيَا وَالْآخِرَةِ وَأَعَدَ لَهُمْ عَذَابًا﴾

Мөһинат

**«Албаттага Оллоҳга ва Унинг пайғамбариға озор берадиган кимсаларни Оллоҳ дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатлагандир ва улар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйгандир»** (Аҳзоб: 57).

Оллоҳим, биз Сендан роғизалар бошига қора кунларни солишиңгни, уларни бирма-бир ҳалокатга учратиб, уруғларини қуритишиңгни тилаймиз! Оллоҳим, уларнинг байроқларини ҳилпиратма, мақсаду ғояларига етказма! Уларни ўзларидан кейингиларга ибрату намуна қил! Оллоҳим, улардан Азиз ва Қурдатли зотдек ўз интиқомингни ол!

Уларнинг кулини қўкка совур! Оллоҳим, динингга душман бўлган яҳудий, насроний ва уларга ҳавасманд ҳамда кўмакчи бўлганларни Ўзингга ҳавола этдик!

Оллоҳим, эй, дуоларни Эшитгувчи Зот! Бу Уммат ишини шундай режалаштирики, у режага кўра савобли ишларга буюрилиб, гуноҳ ишлардан қайтарилисин ва Сенга итоат қилган одамлар азиз, Сенга ширк келтирганлар хор бўлсин!